



ҚОНЛИ АНДИЖОН ВОҚЕАЛАРИ 10 ЙИЛДАН СЎНГ

Сиёсатчилар, журналистлар ва мутахассислар фикрлари

Узбекистоннинг Андижон шаҳрида бундан 10 йил олдин юз берган фожиали воқеалар, ҳали хануз олимлар, сиёсатчилар, ҳуқуқ ҳимоячилари ва журналистлар ўртасида баҳс ва мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бугун бир мутахассисларга бор йўғи иккита савол билан мурожаат қилдик: 2005 йилнинг 13 май куни Ўзбекистонда аслида нима бўлганини тавсифлаб беришни, Андижон воқеалари Ўзбекистон ва умуман минтақада қандай ўзгаришларга сабаб бўлганлиги, ҳамда уларнинг муҳим оқибатлари юзасидан ўз фикрларини баҳам кўришни сўрадик.

Аждар Куртов, тарихчи, сиёсатшунос, Россиянинг "Миллий муаммолари" журнали бош муҳаррири:

–Узингиз биласизки расмий версия мавжуд – бу исломий қўзғолон. Аҳолини Андижон намоийшларини уюштиришга ундаган сабаблар юзасидан ва менинг нуқтаи назаримдан, ўша воқеалар натижасидаги таҳдидларнинг бартаф қилиниши бўйича ҳукуматнинг чораларининг адекватлиги борасида баҳслашиш мумкин. Ва шу борада менинг фикрим расмий версиядан фарқ

қилади, бир далилни тан оламанки, куч ҳар доим ҳам мутаносиб равишда ишлатилмаган эди: пулемётлардан оммага қараб ўқ узишнинг ҳеч ҳам ҳожати йўқ эди. Шу ҳисобда бу ҳолатни жиноят деб ҳисоблаш мумкин, лекин мен диққатимни бу ҳолатга қаратишни хоҳламам эдим.

Ҳозирда ўша воқеаларда ташқи кучларнинг, хусусан америка элчихонаси иштироки ҳақидаги айтилган фикрлар негадир соя остида қолиб кетди. Тушунарли, расмий Тошкент навбатдаги сафар Америка қўшма штатлари билан келишиб олди, лекин бу маълум даражада унинг виждонсизлигини ҳам кўрсатади.

Андижон воқеаларини тергов қилиш бўйича халқаро комиссия тузиш ҳақидаги талаб янграганда, Тошкент америкаликлар билан муносабатларни узишга аҳд қилди, натижада бир неча йил алоқалар мураккаблашди. Ҳозирда эса Ўзбекистон АҚШ билан аввалги мулоқотни давом эттиряпти, афтидан ушбу ҳаёсиз қоидага кўра – америкаликлар Каримов тизимига жуда ҳам маъданиятли бўлмаган усуллар билан таъсир кўрсатишга урунган бўлишса ҳам, лекин республикадаги ҳукумат улар билан ҳар қандай ҳолатда ҳам алоқадор бўлишларини тушунишади. Россия, Хитой ва

бошқа давлатларга суянишни тизим хоҳламайди. Каримовнинг Россияга қилган охириги сафари бунга мисол, унинг Блоруссия президентига ҳужумлар билан ёки Буюк жаҳон урушида ғолиб чиққан рус халқига мақтовлар билан сўзлаган нутқи – булар барчаси яхши, агарда Ўзбекистон мактабларида тарихнинг аслида қай ҳолатда ўргатилишини билмасангиз. Чунки у умуман бошқа позициялардан ўргатилади. Россияда гапирилганда, Россия президентига эштиш ёқимли, америка майдонларида сўзланганда, Вашингтонга ёқимли сўзлаш – бу одатий шарқий ҳаёсиз айёрлик.

–Сиз бироз вақт аввалги воқеалар ҳақида сўзлаясиз, лекин ўшанда америкаликлар жуда ҳам тезлик билан Каримовга қилинган эътирозларни олиб ташлашди,

ҳолатга ойдинлик киритишни қайсидир маънода тўхтатишди.

–Ҳа, гапингизга қўшиламан, лекин америка тизимининг моҳияти асли шундан ҳам иборатдир – қаерда сузлик сезишса шаҳд билан ҳаракат қилишади, агарда тўсқин сезишса, олға ҳаракат қилишга ҳожат йўқлигини тушунишади. Ушбу ҳолатда эса, Каримов режими етарли даражада барқарорликка эгалигини кўрсатди, деб айтиш мумкин.

Энди кучларнинг жойлашуви ўзгарганлиги, Ўзбекистон қўшнилариининг ташқи сиёсий йўналишининг ўзгариши ҳақида гапирадиган бўлсак, мен бу борада ўзгариш бўлди деб айтмаган бўлар эдим. Охир оқибат, бу воқеа биринчи ҳолат эмас. Баткент жанглари бўлган, ундан ҳам аввал Тожикистон фуқаролик урушлари, Андижондан сўнг – Қирғизистондаги воқеалар, Қозоғистон ғарбидаги қатор террористик ҳужумлар. Буларнинг барчаси Совет иттифоқи парчалангандан ва янги мустақил давлатлар шакллангандан сўнг минтақа беқарор гирдоб майдонига кириб қолди. Қисман бу беқарор гирдоб шу билан асосланадики, ислом дунёсига қайтган марказий осие мамлакатлари унинг барча "гўзалликларини" ўзларида ҳис

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қилишди: бадавлат ва қашшоқ давлатларнинг мавжудлиги, кўпроқ дунёвий давлат бўлган мамлакатларда очикчасига исломий экстремизм ва радикализм ривожланиши... Ва қанчалик Марказий Осиё мамлакатлари бу дунёга чуқурроқ шўнғийверишса, ушбу муаммолар шунчалик бу минтақага кўпроқ ўрнашиб бораверади.

Андрей Грозин, МДХ мамлакатлари Институтининг Марказий Осиё ва Қозғистон бўлими бошлиғи:

–Уша воқеалар атрофида жуда кўп фитна мавжуд, менинг ўйлашимча, ғарб ва ўзбек махсус хизматларига келиб тушган видео метариаллар, шубҳасиз бир нарса ҳақда гувоҳлик беради – бу қуролли исён кўтаришга уруниш фитнаси эди. Бунинг орқасида ким тургани эса – алоҳида узоқ суҳбат учун мавзу. Ташқи кучларми ёки ички кланлар – ҳар хил версиялар бор, лекин бу исломий экстремистик мафкура ниқоби остидаги қуролли исён уруниши эди.

Эсингизда бўлса, Андижон воқеаларидан сўнг – бу “биринчи қўнғироқ”, муаммолар янада кўпаяверади ва ҳукумат оқибатда уларни бостира олмай қолади, деган фикрлар бўлган эди. Кейин булар ҳаммаси “араб баҳорига” ўтди, лекин аслида кўриш мумкинки, Тошкент бу йўналишни ўзгартира олди, ва вазият ҳозирда, ҳеч бўлмаганда ташқаридан назар солганда – Ўзбекистон марказий ҳукумати томонидан бошқарилишини кўриш мумкин. Утган бир неча йил мобайнида шунга ўхшаш бир ҳолат уюштириш вазиятлари кузатилмади, яъни куч девони ва маъмурият тузими – улар вазиятни назорат қилишларини ва бундай ҳолатларни қайтаришга урунилса ҳудди шундай ҳаракат қилишларини кўрсатяпти. Жамоат бу ҳақда билади ва албатта бундан керакли хулосаларни чиқаради. Бироқ бундай қовеванинг қайтарилишини истисно қилиб бўлмайди, чунки ўзингиз биласиз — Ўзбекистон ичидаги вазият оғир ҳолатда, ҳукуматнинг эртаси ноаниқ ва умумий жиҳатдан иқтисодий вазият ёмонлашиб боради. Расмий статистика нима деб маълумот бермасин, лекин аҳолининг ортиши, заҳиралар ҳажми етишмаслиги, Фарғона водийси масаласи – бу муаммоларнинг бари маълум, ва улар, афсуски, Андижондан сўнг ҳал бўлгани йўқ. Ҳукумат норозилик чиқишларини бостирди, аммо норозиликлар сабабларини бартараф қилгани йўқ.

Андижондан сўнг парчаланиш



жараёни шиддат билан давом этадигандек туюлган эди ва жуда жиддий – ғарблик, россиялик ва Марказий осийлик экспертлар – мен билан қилган суҳбатларида Каримовнинг сиёсий тузумига икки-уч йил умр беришганди. Лекин кўриб турибмизки, ҳеч ҳам бундай бўлиб чиқмади, шунинг учун ҳеч бир мутахассис қачон бундай ҳолат юз беришини башорат қилишга журъат қилмайди. Бу ўн йилдан сўнг содир бўлиши ҳам мумкин, ёки эртага ҳам.

Алексей Малашенко, шарқшунос, исломшунос ва сиёсатшунос, Москва Карнеги марказининг катта илмий ҳодими, тарих фанлар доктори:

–Кўплаб фикрлар мавжуд, лекин мен портлашга муаммолар мажмуаси олиб келди деб ўйлайман. У ерда албатта бизнес – шубҳасиз аралашган, баъзи фарғона клани вакиллари манфаатларига тегилган эди. Унда албатта дин ҳам аралашган ва албатта сиёсат. Ҳозир, вақт ўтиш билан, бирон бир ягона сабабни ажратиб жуда қийин. Лекин агарда умумлаштиришга урунилса, бу Каримов олиб борган сиёсатга қарши намоийш эди. Бу бор йўғи минтақавий воқеа бўлган бўлса ҳам, бунинг бўлиши муқаррар эди. Мухими, менинг нуқтаи назаримдан ҳам, ўша воқеаларда оқибатлар кузатилмади. Мен эса эсламан, кўплар тахмин қилишган эди, булар ортидан Фарғона ҳам бос кўтаради, кейин эса республиканинг қолган ҳудудларида бошланади, лекин бу юз бермади. Ажабланарлиси шундаки, бир тарафдан бу очик намоийш эди, бошқа тарафдан эса Ўзбекистон воқеаларнинг бундай ривож олишига тайёр эмас бўлиб чиқди. Ва бугунги кунда инқилоб тўғрисида гапирилса, ишонаманки, бу пастдан бошланмайди, шубҳасиз. Фақатгина ҳукуматда қандайдир ўзгаришлар бошланса, ва бунга қандайдир кучли норозиликлар ҳамроҳлик қилса, ўшанга ўхшаш

ҳолат юз бериши мумкин. Лекин ҳозирча ҳаммаси тинч.

Каримоқ учун ўша воқеаларнинг оқибати шундай – уни кечиришди. Балки, энг муваффақиятли ифода эмасдир, лекин унинг ҳатти ҳаракатларига, айтиш мумкинки, тушуниш билан муносабатда бўлдилар. Бугунги кунгача тугамаган “араб баҳори”дан сўнг, аниқ бўлдики, бугунги кунда беқарорликдан ишончли тўсиқ сифатида авторитар тузум хизмат қилади. Албатта уни қўллаб қувватланса ва тушуниш билан муносабатда бўлинса. Ҳар қандай “саддам хусайн” ёки “муаммар қаддафи” – ўртаосийлик қасбдошларим ҳақида гапириб ҳам ўтирмайман – “Ислом давлати” ва бошқа ҳозир кўраётган нарсаларимиздан анча яхши.

Бу ҳолатда иш нафақат “тўхтатилди”, балки қуйидагича фикрга интилишни кузатиш мумкин – биз тушунадиган, Россия билан яқинлашишга қўймайдиган ўзимизнинг авторитар-дўстимиз яхши, айтайлик Бағдоддаги кимдандир кўра. Қолаверса, мен бераҳим ва ярамас Саддам ҳақида гапирганда, шуни тушуниш керакки, сўз ёмон ва жуда ёмон ўртасидаги муқобилликда кетаяпти. Бугунги кун интилиши шундай иборат, ва бу борада Андижон хотираси ўтмишга кетди, ҳеч бўлмаганда, шундай номланувчи халқаро ҳамжамият учун.

Муҳаммад Солиҳ, сургунда яшовчи ўзбек сиёсатчи-муҳолифатчиси:

–Андижон қўзғолони бошланиши табиий эди. Андижон – аҳоли энг зич жойлашган ва бошқа марказий минтақаларга нисбатан Ўзбекистоннинг иқтисодий кам ривожланган вилояти. Шу сабабли, халқ исёнининг асосий сабабларидан бири – иқтисоддир.

Ушбу қўзғолон асоси

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

“акромийлар” деб аталадиганлар эди. Бизнес бўйича ўз ҳамроҳларини озод қилиш учун қамоқхонага ҳужум уюштиришга аҳд қилиб, биринчи ўринда улар иқтисодий манфаатларини кўзлашди, кейинчалик ҳукумат уларни айблаганидек, сиёсий эмас.

Андижон қамоқхонасига уюштирилган ҳужумнинг иккита версияси мавжуд. Биринчиси – бу воқеани “акромий”ларни айблаш учун ҳукуматнинг ўзи уюштирган. Иккинчиси – ҳаммасида “акромийлар”нинг ўзлари айбдор, улар қамоқхонага ўз дўстларини озод қилиш учун киришган. Мен эса у ҳам, бу ҳам бўлган деб ҳисоблайман: ҳукуматнинг ўзи “акромийларга” қамоқхона эшикларини очган ёки очишга ўз ҳиссасини қўшган. Бунинг натижасида тузумда бутун жаҳон кўз ўнгида юзлаб одамларни ваҳшийларча ўққа тутиб, узоқ йилларга ўз аҳолиси кўнглига қўрқувни жойлаш имконияти пайдо бўлди.

Улар бунга муваффақ бўлишди ҳам. Андижон тушкунлиги ҳали хануз бизнинг жамиятда яшаб келмоқда.

Андижон воқеалари оқибатлари бутунлай салбий бўлди. Эсласангиз, ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллар охири ва 2000 йиллар бошларида каримов тузумини очиқчасига ярим диктаторлик деб номлашди ва Каримовнинг барқарорлик тўғрисидаги баланд парвоз гапларига ишонишмасди. Фарбнинг эса Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бузилиши бўйича ҳукми қатъийроқ эди, бугунгидан кўра.

Аммо ўзбек диктаторига насбатан шундай номланувчи “санкциялар” эълон қилинган, Каримов “санкционерларга” қарши шундай таҳдид қилдики, Фарб (АҚШ) тезда фикридан қайтди ва саҳни ортда Ўзбекистон билан муносабатлардаги тушунмовчиликларни бартараф қилиш борасида фаол дипломатик ҳаракатларни бошлади. Каримов тузуми билан бу саҳна орти ўйинида асосан пентагон генераллари ғайрат қилишди, оқибатда ўз мамлакатларининг сиёсий бошқармаси томонидан Ўзбекистонга қарши қўйилган санкцияларнинг бекор қилинишига эришишди.

Бугун ўзбек мустабид ҳукумдори, раҳбар сифатида, Фарбнинг шарофати билан, ҳар қачонгидан кўра яхшироқ вазиятда, баъзилар тасаввур қилишга урунганидек ўзбек жамиятининг сабри туфайли эмас.

Инсон ҳуқуқлари, демократия, сўз эркинлиги ва бошқа тушунчалар – бугун Ўзбекистонда энг кулгули

ва таҳқирланган тушуначалардир. Яна нима дейиш мумкин?

Баҳодир Сидиққов, шарқшунос, Берн (Швейцария):

–Кўп сонли воқеа қатнашчилари гувоҳликларига қарамай биз ҳалигача, 2005 йил 13 майга ўтар кечаси Андижонда нима юз берганини аниқ билмаймиз. Биз фақатгина, ҳалиям озми кўпми ҳақиқатга яқин жавоб олиб бўлмайдиган, қатор жумбоқли саволларни беришимиз мумкин ҳалос.

Лекин барибир бу нима эди?

–Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиёни “демократик қайта шакллантириш” мақсадида Фарбнинг қўллаб қувватлаши билан яширин исломий ташкилот томонидан уюштирилган, ҳукуматга қарши кўзғолон?

–Ҳукуматнинг сиёсий ва иқтисодий сиқишига қарши дин қобиғидаги майда ва ўрта мусулмон буржуазларидан келиб чиққан ижтимоий кўзғолон?

–Тадбироклар, уларнинг оила аъзолари ва ёнланган ишчиларнинг, қуролли чиқишгача ўсган ва марказий ҳукумат томонидан номутаносиб ваҳшийлик билан бостирилган, ҳукумат сурбетлигига қарши оддий маҳаллий исёни?

–Ўзбекистон ҳукумати исён уюштиришда айблаган “Акромий”лар аслида бўлганми.

–Намойишчиларни ким қурол билан таъминлаган ва кўзғолон бостирилгач исёнчиларнинг баъзи гuruhлари ва уларнинг оила аъзолари Қирғизистонга чиқиб кетиши учун ким “йўлак” ташкил қилган.

Ислол оламида вақт бўйича бироз кейинроқ юз берган воқеаларни ҳисобга олган ҳолда ва тўлиқ матнда, “Ретроспектив” таҳлил бериш ҳаракат қиламан. Воқеаларнинг бевосита гувоҳларидан бири менга, Қирғизистондаги кўзғолонлар бостирилгач, сотувда: “Tbilisi-2003, Kiev-2004, Bishkek-2005, Andijan – cancelled?”, ёзувлари битилган майкалар пайдо бўлганини, бу “Рангли революция” 2003 йил Тбилисида, 2004 йил Киевда, 2005 йил Бишкекда амалга ошди, Андижонда эса бекор қилинадими?, деган ишора бўлганини, айтиб берди.

Эълон қилинган ва мавжуд маълумотларга кўра, кўп табақали “ўйин” олиб борилаётган эди, бунда бошқарув тизими ҳам, андижонлик “намойишчилар” ҳам, “рангли революция”нинг фарблик яратувчилари ҳам ўйнашаётган эди. Ҳукуматнинг мақсади энди озми кўпми тушунарли бўлаяпти: Бишкекдан сўнг “рангли революция” уруниши Ўзбекистонни четлаб ўтмаслигини олдиндан

сезган тузум, олдинроқ ҳаракат қилиб қолиш мақсадида алоҳида танланган ҳудудда “назорат остидаги” кўзғолон уюштиришни провакация қилиб, ҳамда қолган барчага ўрнатилган бўлиши учун уни ошкора бостирди.

Аммо, намойиш, ҳукуматнинг ўзи белгилаган “қирғоқ”лардан чиқиб кетди, ва шу ҳам муҳимки намойишчиларнинг ўзлари кутгандек уларга минглаб, қашшоқликдан ва умидсизликдан эзилган, оддий андижонликлар қўшилиши.

Андижондаги чиқишларнинг ўта даражада қонли бостирилиши шуни англатадики, “ўйин” бутунлай унинг назоратидан чиқиб кетганлигини тузум тушунди: деярли барча ҳукумат бинолари ғалаёнчилар қўлига ўтди, Бобур майдонига минглаб шаҳар аҳолиси чиқди, шаҳарда бўлган жаҳон матбуот вакиллари воқеаларни ёритишни бошлади. Кўзғолон бутун Ўзбекистон бўйлаб ҳукуматга қарши намойишга айланиб кетиш таҳдидини сола бошлади. 1991 йилги Наманган исломийлар кўзғолони сояси, исломийлар билан бошқа юмшоқ муомалада бўлмастикка аҳд қилган, тиш тирноғигача қуролланган тузумнинг кейинги қадамини аниқлаб берди албатта. Андижон воқеалари 1982 йил Суриянинг Хара шаҳрида юз берган ҳолатни “қайтарди”: Катта-Асад тузуми қурол ёрдамида, “мусулмон биродарлар” ташкилотининг Сурия бўлими томонидан уюштирилган исломий кўзғолонни бостирди. Ушанда, баъзи маълумотларга қараганда, 20 мингдан ортиқ шаҳар аҳолиси халок бўлган.

Андижон воқеалари, аниқроғи унинг қонли бостирилиши Ўзбекистон ва умуман Урта осие минтақасини тубдан ўзгартирди: шаҳарнинг тинч аҳолиси орасида қурбонларни сони кўпайиши олди олинди ёки ҳеч бўлмаганда, ҳозирда Кичик-Асад ҳукмдорлигида Сурияда юз бераётган қонли тартибсизликлар, келажакка қолдирилди.

Надежда Атаева, “Ўрта Осиёда инсон ҳуқуқлари” ассоциацияси раҳбари (Париж):

–2015 йил 13 майдаги оммавий қотиллик бу – жиноят, чеклов муддати қўлланилмайдиган жиноят. Уқ отар қуролнинг номуносиб равишда ишлатилиши кўплаб қурбонларга олиб келди. Халқаро жиноят судининг Рим низомига кўра бу инсониятга қарши уюштирилган жиноятдир. Буни халқаро мустақил тергов қилиш зарурияти сақланиб келади.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Андижон фожеалари Каримов тузуми мустабид сиёсатининг мантикий оқибати бўлди. Бу сиёсат Конституция ва Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган, инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро келишувларга риоя қилишни истисно қилади.

Андижон воқеаларига қадар қамоқхоналарда уч мингдан тўрт мингга қадар сиёсий маҳбуслар бўлган, ҳозирда эса – 12 минг киши атрофида.

Маҳбусларнинг умумий сони расмий маълумотларда кўрсатилгандан кўра камида беш баробар кўп. Бизнинг ташкилотимиз маълумотларига кўра – 200 минг маҳбус. Қочоқлар сони эса фақат ўсиб бормоқда. Ўзбекистон тарихида биринчи бор тузум муҳолифатчилар билан фақат мамлакат ичкарисида эмас, балки чет элда ҳам кураш олиб бормоқда. Охирги ўн йил мобайнида “Урта Осиёда инсон ҳуқуқлари”

ассоциацияси чет элда истеъкомат қилувчилар билан боғлиқ 114 қотиллик, ўғирлаш, одамларнинг йўқолиши ҳолатларини аниқлади. Бу жиноятларда ўзбек маҳбус хизматлари, дипломат ва олигархларининг қўли бор.

Майкл Андерсон,
сиёсатшунос, журналист

–Андижонда юз берган воқеа, Каримов тузуми томонидан онгли равишда, кўпол ва сурбетлик билан ўққ тутилган, асосан тинч намойиш эди. Тан олиш керак, намойишчилар ичида, шунингдек давлат хизматчиларини ўлдираётган қуролланган одамлар ҳам бор эди. Бу шуни англатадики, хаттоки Ўзбекистонда ҳам аҳолини бутунлай умидсизлик ва бундай ҳаракат қилишга олиб келиш мумкин. Менинг фикримча 2005 йилги Андижон воқеалари бизга уч нарсани намойиш қилади. Биринчи: хатто, менинг тошкентлик қўшним айтганидек “Қабристондек сокин”, Ўзбекистонда ҳам, одамлар шу

даражада ҳўрланиши мумкинки, жавоб қайтардилар, гоҳида эса зўравонлик билан. Иккинчи: Каримов ва унинг атрофидаги бандитлар ҳамма нарсага тайёр, тўғри маънода ҳамма нарсага, ҳокимиятни сақлаш учун, хаттоки ҳеч нарсада айби йўқ болаларни ўлдиришга ҳам. Учинчи: Андижон ҳеч нарсани ўзгартирмади. Қийноқлар, қатағонлар ва қотилликлар Ўзбекистонда ўтган ўн йил ичида ҳам давом этиб келмоқда.

Бор йўғи қисқа вақт мобайнида, аслида Каримов кимлигини намойиш қилиб, Ғарб бизнинг кўзимизни очди, аммо яна тезда бизнинг сиёсатчилар ўз кўзлари ва қулоқларини ёпиб олдилар.

Бугунги кунда Каримов Ғарбда қувғин ҳисобланади, лекин биз барибир вақти билан уни таклиф қиламиз. Ғарб сиёсатчиларининг жуда камчилиги ўзбек халқининг оғир вазияти ҳақидаги маълумотга эга. Бу мени уялишга мажбур қилади, лекин бу ҳақиқат.

ЎХХ ахборот бўлими

Охирги бир неча ҳафта мобайнида Ўзбекистоннинг Бухоро вилоятида диндорларнинг ҳибсга олинаётганлиги ҳақидаги хабарлар кучайиб келмоқда, шу кунларда эса юқори кучланиш устунда қора байроқ, хаттоки бир неча байроқлар осиб кетилганлигини ҳақида хабар берилмоқда. Махаллий ҳукумат ва оммавий ахборот воситалари бу воқеаларни рад ҳам қилмай, лекин



ўрта мактаб биноси деворига қора байроқ осиб кетилгани ҳақидаги маълумотлар пайдо бўлди. Мактабнинг ўзида эса, ўзбек тилида “агарда кўнғироқ чалинса қон тўкилади” деб ёзилган варақа (ёки варақалар) топилган. Афсуски, махаллий ҳукумат, шу кунга қадар одамларни тинчлантириш учун ҳам, хавфдан огоҳлантириш учун ҳам, агарда шундай бўлса, ёки

Бухоро ҳукумати қора байроқ осиб кетганларни излаб, диндорларни ҳибсга олмоқда

тасдиқламай ҳам, ҳар доимгидек сукут сақлаб келишмоқда,

“Фарғона” ахборот агентлигининг Бухоро ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ичидаги манбасининг маълумот беришича, ўтган ҳафта Бухоронинг Бухоро ва Ромитон туманларида – экстремистик адабиётлар тарқатишда айбланиб, бир неча киши қамоққа олинган. Эслатиб ўтамиз, Ромитон тумани ўзининг 2004 йил баҳорида юз берган қатор портлашлари билан аянчли ҳолда танилган, махаллий аҳоли эса бошқа туманларга қараганда ўзининг кўп сонли диндорлардан иборат эканлиги билан ажралиб туради.

Осиб кетилган қора байроқга келсак, “Ироқ ва Шом Ислом Давлати” (ИШИД) байроғини эслатувчи ушбу байроқни олиб ташлаш учун, шу ерда истеъкомат

қилувчи аҳолининг сўзларига кўра, милиция ходимларга жуда кўп вақт керак бўлган. “Айтишларича, бир эмас, бир неча байроқ осиб кетилган. Балки бу бўрттириб айтилгандир. Лекин устунда бир байроқ осиб кетилганлиги аниқ”, – дейди Галаосиё шаҳарчасида яшовчи фуқаро.

Аввалроқ матбуот воситаларида, 26 апрел кунига ўтар кечаси Ўзбекистоннинг Тошкент вилояти Паркент тумани Хисарой қишлоғида жойлашган мактаб ва коллеж деворларига номаълум шахслар томонидан “Ислом Давлати”нинг қора байроқлари ва амалдаги ҳукумат ва уларни қўллаб қувватловчи аҳолига нисбатан таҳдидлар туширилган варақалар ёпиштириб кетилгани, ҳақида хабар берган эди. Бир неча кун ўтиб, май ойи бошида Тошкент вилоятининг Ангрэн шаҳридаги

аслида нима бўлаётганлиги ҳақида умуман оғиз очмаган.

Бу орада Бухоро милиция бўлинмасида, узок вақт Ўзбекистонда бўлмаган фуқароларни суҳбугта чақиришмоқда. Бўлинмага, ишлаш учун кетганлар ҳам, бошқа давлатга бутунлай яшаш учун кетганлар ҳам ёппасига чақириляпти.

“Аввал мени суҳбат қилиш учун махалла қўмитасига чақиришди, — дейди ишлаш учун кетган муҳожирлардан бири”. – Участка нозири билан фуқаролик кийимидаги бир киши менга саволлар беришди, Россияда нима қилганман, қаерда ишлаганим ва кимлар билан мулоқотда бўлганимни сўрашди. Иккинчи марта чақириб, босма харфларда, кирилл ёзувида тушунтириш

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

хати ёзиб беришимни сўрашди. Тушунтириш хатида, қаерда туғилганман, рўххатга қўйилган хонадонимда қачондан бери яшайман, ўқув маълумотимни кўрсатишимни сўрашди. Энг қизиғи, нечта дўстларим бор ва спортнинг қайси тури билан шуғулланишимни ёзишимни талаб қилишди. Мен ҳам, мени тинч қўйишлари учун ёзиб бердим”, — дейди у суҳбат давомида.

Эслатиб ўтамиз, меҳнат миграцияси ва қайтиб келаётган ишлаш учун кетган Ўзбекистон фуқароларининг назорат кампанияси бир неча йилдан буён давом этиб келмоқда. Президент Каримов ўз нутқларидан бирида меҳнат мигрантларини ялқовлар деб атагандан сўнг эса, назоратнинг кучайтирилгани

кузатилмоқда. Мисол учун, одамлар республикадан чиқиш учун зарур бўлган айлана муҳрнинг паспортларга қўйилишига рад жавоби олиш ҳолатларига кўп дуч кела бошлашди. Ўзбекистондан чиқиб кетувчи фуқаролар сонини камайтириш ҳошишидаги ҳукумат, ўз қарорини фуқароларнинг чет элда қулликка тушиб қолишдан ва тақиқланган гуруҳларга қўшилиб қолишдан ҳимоя қилиш мақсадида эканлигини тушунтирмоқда. Ваҳоланки, шу ҳукуматнинг ўзи фуқароларини лойиқ иш билан таъминлаш имконига эга эмас. Лекин улар бошқа озодлик чекловларини қўллаш борасида муваффақиятларга эришишмоқда, шу борада — дин эркинлигини ҳам: ўзбек қамокхоналарида минглаб диндор ва муҳолифлар ҳўрланиб келинмоқда.

ЎХХ хабарлар бўлими

Тожикистон ОМОН командири ИД сафида жанг қилмоқдами?



Тожикистон ички ишлар вазирлигининг махсус милиция отряди командири полковник Гулмурод Халимов май ойи бошидан буён ишга чиқмай қўйган, қаердалиги эса ҳеч кимга маълум эмас.

Аммо давлат куч тизимлари ва Халимовнинг яқинлари орасидагилардан аниқлаштирилишича, у охири пайтларда ижтимоий тармоқлар ёрдамида ИД фаолияти, ғоялари ва ҳарбий тузимлари ҳақида батафсил маълумотларни йиғган.

“У ИДнинг фанатикига айланиб қолди, яқинлари орасида ушбу террор ташкилотнинг ғояларини тарғиб қила бошлади.

Бизнинг ИДга қўшилиш бу беъманилик деган маслаҳатларимиз ва кўрсатмаларимизни асабий тарзда эътиборга олмай қўйди”, — дейди, унинг шахси махфий қолишини истаган яқинларидан бири.

Давлат куч тизимларининг маълумотларига кўра, Г.Халимов ўзининг 10 кишидан иборат гуруҳини тузган, барчаси Тожикистонлик, асосан ишсизлар ва 1 май куни Москвага учиб кетган.

2 май куни уни Москванинг “Шереметьево” халқаро аэропортида кўришган.

Куч тизимларидаги манбаанинг тахминига кўра, ҳар бир ёлланган жангари учун тожик полковнигига катта миқдорда пул ваъда қилинган.

Шунга қарамасдан, Тожикистон ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор Икром Умарзода ўз интервьюсида, ИИБ ОМОН командирининг ҳозирда қаерда эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмаслиги ҳақида эълон қилган.

Вазир ўринбосари Г.Халимовнинг ИД сафига қўшилганлиги ҳақидаги маълумотни тасдиқламади ҳам, рад ҳам қилмади. “Мен бу ҳақда ҳеч нарса билмайман”, — дея таъкидлади вазир муовини.

Гулмурод Халимов Тожикистон ОМОН командири қилиб бундан уч йилча аввал тайинланган, ўз олдига қўйилган вазифаларни намунали тарзда бажарганлиги учун орден ва медаллар билан тақдирланган.

ЎХХ хабарлар бўлими

“Чегара билмас мухбирлар” Ўзбекистонда ОАВ цензурасига чек қўйишга чақиришди

Андижон қонли воқеаларининг 10 йиллиги муносабати билан “Чегара билмас мухбирлар” Ўзбекистонда мустақил оммавий ахборот воситаларини тақиб қилишни тўхтатишга чақириб намоийшга чиқишди.

Андижонда тинч аҳолини ўққа тутилганининг 10 йиллиги муносабати билан “Чегара билмас мухбирлар” ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти Ўзбекистон ҳукуматини мустақил ОАВларни мунтазам равишда қўрқитиш ва тақиб қилишга чек қўйишга чақирди. 13 май, чоршанба куни ҳуқуқ ҳимоячилари сайтида эълон қилинган мақолада, Андижон воқеаларидан сўнг цензуранинг янада кучайтирилиши оқибатида деярли барча мустақил журналистлар қамок жазосини ўтаяпти ёки чет элга чиқиб кетишга мажбур бўлишган, дея маълумот берилган.

“Чегара билмас мухбирлар” ташкилотининг немис бўлими раҳбари Кристиан Мир (Christian Mirh) нинг айтишича, ўзбек ҳукумати шу даражада журналистлик фаолиятини жиноятлаштирганки, оқибатда мамлакатда айтиш мумкинки умуман мустақил ОАВ қолмаган. Инсон ҳуқуқларининг бузилиши, коррупция ва атроф муҳит муаммолари мавзусидаги нашриётлар тақиқ остида қолмоқда. Мирнинг фикрича, цензурани бартараф қилиш борасидаги биринчи қадам ўзбек қамокхоналарида ётган ОАВ ходимларини озод қилиш бўлиши керак. Ҳозирда тўққизта журналист ўзбек қамокхоналарида ушлаб келинмоқда.

Ҳуқуқ ҳимоячилари шунингдек ўзбек ҳукуматини ноқонуний интернет назоратида ва мустақил ўзбек ОАВларини чет элда ҳам тақиб қилишда айблашмоқда. Бундан ташқари, “Чегара билмас мухбирлар” таъкидлашича, цензура сабабли мамлакатни ВВС, DW ва Free Europe радиолари каби медиа ташкилотлар ҳам тарқ этишга мажбур бўлишган. Ҳозирда фақатгина санокли чет эл журналистлари Ўзбекистонда профессионал фаолият юритиш ҳуқуқига эга.

ЎХХ хабарлар бўлими

Ижтимоий тармоқларда тарқалган расмдан англашилишича, Кўкон деҳқон бозори маъмурияти бозорда рўмолларни “оммавий маданият иллатларини тарғиб қилувчи шаклда” ўраб юришга йўл қўймаслигини билдирган.

Бирок Ўзбекистон Муслмонлар диний идораси бозор маъмуриятининг бу каби талабларни қўйишга қонунан ҳаққи йўқлигини айтмоқда.

Бозорга рўмол ўраб кириши тақиқланади

Бозор ҳудуди олдида осилган огоҳлантиришда маданият иллатлари дея араб, турк, эронча ва покстонча ўраш мисол тарикасида келтирилган.

Унда ёзилишича, бозор ҳудудида диний кийимларда юриш қатъий маън этилади. Маъмурият ушбу тақиққа асос қилиб “Виждон эркинликларивадинийташқилотлар тўғрисидаги” қонуннинг 14 – моддасини келтирган. Ушбу моддада Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмайди дейилган.

Ўзбекистон муслмонлари рўмолни номи келтирилган давлатлардаги муслмонлар каби шариатда кўрсатилганидек ўрайди.

Би-би-си суриштирувларидан маълум бўлишича, расмийлар бир неча йилдан бери уйма-уй юриб ҳижоб ўраган шаклда кўчага чиқмаслик ҳақида тушунтириш ишлари олиб бормоқда.

Хотин -қизларга рўмолни бош қисмининг орқасига боғлашни ва Ислолда аврат саналмиш томоқ қисмини очиб юришни тарғиб қилган.

“Ўртоғим билан гаплашдим, онам уйдан чиқолмай ўтирибди, дейди. Ҳижобда бўлганлиги учун бозорда ва кўчада тазйиққа учраётган экан. Турмуш ўртоғимнинг ҳам бундан икки йил олдин Кўкон бозориди милиция бошидан рўмолини куч

ишлатиб ечиб олганди”, — дейди кўқонлик суҳбатдошимиз.

“Айни кунларда Кўкон бозориди, кўчаларида рўмолни томоқ остидан ўраган аёллар ҳам юрибди. Ўзбекистоннинг бошқа жойларида бундай кампаниябозликни учратмадим. Бу тарғибот маҳаллий расмийлардан чиққан ташаббус, деб тахмин қиламан”, — деб ёзади Шўқуржон Исломов..

Ўзбекистон муслмонлар диний идораси раҳбар ўринбосари Шайх Абдулазиз Мансур Фарғона водийсида рўмол ўраганларга босим, тазйиқ бўлаётгани ҳақида эшитганини билдирди.

“Давлат органлари ва ўзимизга тегишли раҳбарият томонидан текшириб беринглар халқ сўраепти, тўғри ҳақиқатни айтилик, деб суриштирув ишларини ўтказяпмиз. Кимдан чиққан бунақа ишлар? 14 – моддани шарҳлаш керак эди. Давлатнинг рўмол ва диний кийимга бунақа сиёсати йўқ эдику”,

— дейди Абдулазиз Мансур.

Диний идора раис ўринбосарининг аниқлик киритишича, “Виждон эркинликлари ва диний ташқилотлар тўғрисидаги” қонуннинг 14 – моддасини келтирилган тақиқ муслмонларга таалуқли эмас.

“Чунки муслмонларнинг алоҳида ибодат либоси йўқ. Сатри аврат дейлади. Авратларни ёпса ва тоза бўлса бўлди. Ибодат қиладиган либоснинг формаси йўқ. Агар бунақа ҳолат ростдан ҳам бўлаётган бўлса, Ички ишлар ходимларига қонуннинг нотўғри талқин қилинаётганини тушунтирамиз”, — дейди Абдулазиз Мансур.

Кузатувчилар қонуннинг нотўғри талқин қилинаётганига сабаб қилиб унга шарҳ берилмаганини келтиришади. Абдулазиз Мансурнинг таъкидлашича, ҳижобли аёлларга нисбатан босим ўтган йили ҳам кузатилган.

Муслмонлар диний идораси баҳсли бўлган 14 — моддага шарҳ ёзиб Адлия вазирлигига юборган. Лекин вазирлик ушбу мурожаатга ҳануз жавоб бермаган.

Би-би-си Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Жамоат, нодавлат, ноижорат ва диний ташқилотлар бошқармасидан бу борада изоҳ олишга ҳаракат қилди.

Лекин бошқарма бошлиғи бу борада ҳеч қандай изоҳ бера олмаслигини маълум қилди.

Манба: bbc.co.uk/uzbek

Озодлик радиосининг хабар беришича, Ўзини 2005 йил 13 май воқеаларида айбланиб 20 йиллик қамоққа ҳукм қилинган Қобилжон Парпиевнинг ўғли Жаҳонгир деб таништирган шахс Озодлик эфирини Андижон қирғини учун бутун масъулият «Ақромийлар» деб аталадиган гуруҳ зиммасида эканини таъкидлади.

11 май куни OzodlikOnline эшиттиришининг Андижон қирғини 10 йиллигига бағишланган сониди қатнашган шахс 13 май воқеаларида шахсан иштирок этганини иддао қилиб, “биз Ўзбекистонда конституциявий тузумни ағдармоқчи эдик, Исломиий давлат ўрнатмоқчи эдик”, дея таъкидлади.

Айни пайтда, Озодлик



«13 май воқеаларини унутинг!»

мухбирининг нима сабабдан орадан 10 йил ўтиб бундай иқроп билан чиққани тўғрисидаги саволига “бизга бу ерда ёмон бўляпти”, дея жавоб берди. Лекин “ёмон бўляпти” деганда нимани назарда тутишини аниқлаштирмади.

Ўзини Жаҳонгир Парпиев деб таништирган бу шахс Андижон

қирғини номи билан тарихга кирган воқеаларни унутишга чақирди ва бу воқеаларни эслаётган инсон ҳуқуқлари фаоллари ва журналистларни “қерак бўлмаган” иш билан шуғулланаётганликда айблади.

Олдимиздаги чоршанба куни Андижон қирғинига 10 йил тўлади. 2005 йил 13 май куни Андижон марказига тўпланган минглаб намоишчининг Ўзбекистон ҳукумати кучлари тарафидан ўққа тутилиши оқибатида, инсон ҳуқуқлари фаоллари тахминига кўра, 1000 нафаргача одам ҳалок бўлган. Ҳукумат расмийлари ҳалок бўлганлар сони 187 кишини ташқил қилгани, уларнинг асосий қисми “қуролланган террорчилар” бўлганини иддао қилади.

Манба: ozodlik

НА ПОГОН, НА ҲАЁТ ВА НА-ДА ШАРАФ ҚОЛДИ!

«Озодлик» радиоси хабар беришича, Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати раисининг ўринбосари, МХХ шахсий таркиб хавфсизлигини таъминловчи назорат хизматининг бошлиғи Ҳаёт Шавкатович Шарифхўжаев ишдан олингани айтилмоқда. Мамлакат

бошқарув элитасига яқин ва бир-бирдан мустақил икки манбанинг Озодликка маълум қилишича, 52 ёшли генерал Ҳаёт Шарифхўжаев ўтган ойда ишдан олинди, Тошкент Олий МХХ мактабига оддий ўқитувчи қилиб юборилган. Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати ёки бошқа расмий идоралардан бу маълумотни тасдиқлаш ёки инкор қилиш имкони бўлмади.

Ўзбекистон МХХсининг ўз исми сир қолишини истаган собиқ ходимларидан бирининг Озодликка микрофонсиз суҳбатда айтишича, “генералнинг

ишдан олиншини Ўзбекистон собиқ бош прокурори Рашидjon Қодировнинг ишдан олинishi билан деярли бир вақтда бўлганига эътибор қаратиш керак”.

Унга кўра, генерал Ҳаёт Шарифхўжаев ишдан олинishi “кейинги бир йил ичида Миллий Хавфсизлик Хизматининг ўнлаб нуфузли зобитлари ишдан олинди, узоқ йилларга озодликдан маҳрум этилиши ортидан қутилган табиий жараёнди”. Ўтган ҳафта Ҳаёт Шарифхўжаевнинг «туғишган жияни» Ўзбекистон Адлия вазирлиги Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг собиқ бошлиғи Жаҳонгир Фуломов ҳибсга олинганди.

Аввалроқ генерал Ҳаёт Шарифхўжаевнинг туғишган укаси Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизматининг Коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси бошлиғи, МХХ полковниги Жавдат Шарифхўжаев ноқонуний тадбиркорлик, коррупция ва давлат маблағларини ўзлаштиришда айбланиб, тўрт йилга озодликдан маҳрум этилганди. Озодлик ўтган йили қамокка олинган ўндан ошиқ МХХ зобитларнинг ҳозирда ишдан

четлаштирилган МХХ генерали Ҳаёт Шарифхўжаевга алоқадор эканига доир мақолани нашр этган эди.

Генерал Шухрат Ғуломовнинг кўли баланд келдими?

Озодлик манбаларининг

ҳисобланган.

Ўз исми сир қолишини истаган МХХ собиқ ходимларидан бирининг микрофонсиз суҳбатда айтишича, хавфсизлик хизматининг барча ходимлари, биринчи навбатда, Шарифхўжаевдан, ундан кейин эса МХХ Раиси Иноятовдан

кўрққанлар.

Озодлик суҳбатдошлари назарида, “қудратли” Шарифхўжаев МХХнинг яна бир генерали Ғуломов тарафидан “усталик билан олиб борилган тактик” кураш қурбони бўлган.

МХХ генерали Шухрат Ғуломов ўз фаолиятини Сурхондарё вилояти МХХ бошқармаси бошлиғи лавозимдан бошлаган. МХХ ва Хавфсизлик кенгашида у Афғонистон ва Тожикистон бўйича мутахассис ҳисобланган.

2005 йилда Андижон шаҳрида норозиликни бостириш амалиётидан сўнг



айтишича, бу воқеани МХХнинг яна бир генерали Шухрат Ғуломов бошқараётган гуруҳнинг ғалабаси сифатида малакалаш мумкин.

Собиқ МХХ ходимига кўра, кейинги бир йилдан ортиқ муддат ичида МХХнинг икки генерали – Ҳаёт Шарифхўжаев ва Шухрат Ғуломовлар бошқараётган икки гуруҳ МХХда устувор мавкега эга бўлиш учун кураш олиб борган.

Иддао қилинишича, Ҳаёт Шарифхўжаев гуруҳи Ўзбекистон Республикаси бош вазири, Шавкат Мирзиёевнинг манфаатларини ҳимоя қилган. Яна бир МХХ генерали Шухрат Ғуломов эса, Ўзбекистон президентининг тўнғич кизи Гулнора Каримова тарафдори экани айтилади.

Ёвлашаётган бу икки генералнинг 2005 йил 13 май куни Андижонда юз берган исённи бостириш пайтида раҳбарият назарига тушиб, мансаб зинапояларидан кўтарилгани ҳақида маълумотлар бор.

Ҳаёт Шарифхўжаев Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан “Шон-шараф” ордени билан тақдирланган эди.

Ҳаёт Шарифхўжаев МХХ зобитлари ва турли поғонадаги раҳбарлар ҳақида компроматларга эга бўлган иккинчи раҳбар

Ғуломов Ислom Каримовнинг эътиборига тушгани айтилади.

Генерал Ғуломов Андижон фожиаларидан сўнг Ўзбекистон қаҳрамони унвонига сазовор бўлган.

Гулнорани ранжитганлар жазоланмоқдами?

Президент кизи Гулнора Каримова Ҳаёт ва Жавдат Шарифхўжаевларнинг коррупцияга арлашганини таъкидлаган эди.

Ўтган йили Гулнора Каримова Туркиянинг “Хуррият” нашрига берган интервьюсида Ҳаёт ва Жавдат Шарифхўжаевларнинг коррупцияга арлашганини таъкидлаган эди.

Сал ўтиб Гулнора Каримова билан журнаliga берган интервьюсининг тўлиқ варианты деб тақдим қилинган матн ҳам МХХ раисининг ўринбосари Ҳаёт Шарифхўжаевнинг коррупцион олди-бердиларини “фош қилади”.

Озодлик манбалари Гулнора Каримова Twitter-да қолидирган ёзувлар ва матубуотга берган интервьюларида исми зикр бўлган мулозимларнинг иши “чаппа кетётгани”га эътибор қаратади. МХХ собиқ ходимига кўра..

Манба: ozodlik

(Давоми: Боши олдинги сонда)



Ҳазрати Абу Бакрнинг мушрикларни исломиятга даъват этиши

Ҳазрати Абу Бакр Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг мусулмонлар билан бирга Масжиди Ҳарамга бориб, ҳаммани исломиятга даъват этишини талаб қилар, Пайғамбаримиз алайҳиссалом эса “ҳали биз озчиликмиз эй, Абу Бакр”, дея бу таклифни қабул қилмай турганди.

Аммо яна Абу Бакрнинг қистови билан бир куни асҳоби ила Масжидий Ҳарамга борди ва асҳоблардан ҳар бири Масжиди Ҳарамдаги ўз қабиласидан бўлган кишиларнинг ёнларига тарқалдилар.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўтирди, Абу Бакр Ҳазратлари эса тик туриб, халқни Аллоҳга ва Расулulloҳга иймонга даъват этди.

Мушриклар Ҳазрат Абу Бакрни ва мусулмонларни калтаклай бошлашди.

Фосиқ Утба бин Рабийъ Ҳазрати Абу Бакрнинг қорни устига чиқиб тепкилади, юзига темир пошналари билан тепди, бурнини синдирди.

Ҳазрати Абу Бакрни унинг қабиласи келиб кутқарди.

Унинг қабиласи бўлган Тайм ўғиллари Ҳазрати Абу Бакрни хушсиз ҳолда уйига олиб келишди.

Ҳазрат Абу Бакрни “ўлади” деб кўрқдилар. Ва дарҳол Масжидий Ҳарамга қайтиб “Агар Абу Бакр ўлса, биз ҳам муҳаққак Утба бин Рабийъни ўлдирамиз” дея эълон қилишди.

Ҳазрати Абу Бакр кечга яқин ўзига келди ва “Расулulloҳ алайҳиссалом нима қилапти, ахволлари қандай?”, деб сўради.

Унга бирор нарса емак истайсанми, деб сўрасалар, у нукул Расулulloҳ алайҳиссаломнинг ахволини сўрарди.

Нихоят: “Аллоҳга онт бўлсинким, Расулulloҳ алайҳиссаломни кўрмагунимча, на емак, на-да ичмак истайман”, деди у.

Уни бир тарафдан онаси, иккинчи тарафдан Умму Жамил суяб, Расулulloҳ алайҳиссаломни олиб боришди.

– Отам, онам сенга фидо бўлсин, ё Расулulloҳ!, – деди уни кўриб Ҳазрати Абу Бакр.

Ҳазрати Умарнинг мусулмон бўлиши

Ҳазрати Умарнинг онаси Хонтама

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (28).

Абу Жаҳлнинг амакисининг қизи эди, демак, Абу Жаҳл Ҳазрати Умарга тоға ҳисобланарди.

Ҳазрати Умар Қуръайш мушрикларининг элчилари Ҳабашистондан шармандаларча қайтган кунларда, Ҳазрати Ҳамзанинг мусулмон бўлганидан уч кун сўнгра, нубувватнинг 6-йилида, Зулҳижжа ойида, жума куни мусулмон бўлди.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом Дорул-Аркомда, душанба куни “Эй, Аллоҳ, шу икки одам – Абу Жаҳл ва Умар бин Хаттобдан сенга макбул бўлганини исломга азиз қил”, дея дуо этганди.

Ҳазрат Умар шундай ҳикоя қилади: “Мусулмон бўлмасдан аввал мен Расулulloҳ алайҳиссаломга гап отиш учун ёнига бордим. У Масжидий Ҳарамга мендан олдинроқ борганда, мен унинг орқасидан кузатиб турдим.

Расулulloҳ “Ал ҳаққа” сурасини ўқий бошлади. Тинглаганим каломнинг балоғатидан, равонлигидан, муҳтасарлигидан ҳайратга тушдим. Ўз- ўзимга “Бу валлоҳи, Қуръайшликларнинг деганидек бир шоир шекилли”, дедим. Шу пайт Расулulloҳ суранинг шу маолдаги оятларини ўқий бошлади. “Кўргангиниз ва кўрмаганингиз нарсаларга онт бўлсинким, у (Қуръон) шарафли бир Расулнинг (Аллоҳдан олиб табиғ этган) сўзидир. У бир шоирнинг сўзи эмас. Сиз нақадар оз инонган (кишилар) сиз!”. (Алҳаққа 38-41).

Мен бу калималарни эшитиб, “бу бир қохин, ичимда ўйлаганларимни билди”, дея ўйладим.

Кейин Расулulloҳ шу маолда

оятларни ўқий бошлади: “Бу бир қохин сўзи ҳат эмас, сиз нақадар кам ўйлайсиз. У (Қуръон) оламларнинг Робби тарафидан индирилгандир. Агар (пайғамбар) бизга қарши баъзи сўзларни уйдирган бўлсайди, албатта унинг ўнг қўлини олиб, шох томирини узиб ташлаган бўлардик. У ҳолда, сиздан ҳеч бирингиз бунга мене бўлолмас эдингиз. Шубҳа йўқки, У (Қуръон) тақво соҳиблари учун панд-насихатдир. Биз сизларнинг орангизда (Қуръонни) ёлгон дегувчилар ҳам борлигини аниқ биламиз. Муҳаққак-ки, у (Қуръон) кофирлар учун ҳасрат-надоматдир. Албатта-ки, у (Қуръон) қатъий ҳақиқатдир. Бас, улуғ Роббингни

номи билан тасбиҳ этишда давом эт!” (Алҳаққа 42-52).

Расулulloҳ алайҳиссалом сурани бу шаклда тамомлаганда, қалбимда исломга майл пайдо бўлди “.

Яна Ҳазрати Умар шундай эслади: “Жоҳилия даврида ичкилик ичишни севар эдим. Исломиятга нафрат этар, ундан узоқ турардим... Бир куни ичкилик тополмаганимдан кейин Каъбани тавоф этмак учун Масжиди Ҳарамга бордим. Қарасам, Расулulloҳ алайҳиссалом намоз қилапти. Унинг қаршисига ўтиб, яшириниб, уни тингладим. Орамизда фақат каъбанинг ўртуғи бор эди. Қуръонни эшитиб, қалбим унга нисбатан юмшади”.

Ибн Исҳоқ ибн Хошим Ҳазрати Умарнинг мусулмон бўлишини шундай изоҳлайди: “Бир кун Ҳазрат Умар Пайғамбаримиз алайҳиссалом билан асҳобига хужум қилиш учун, қиличини яланғочлаб, уйдан чиқди.

Нуайм бин Абдуллоҳ Ҳазрати Умарни кўриб:

– Эй, Умар, қаерга бораяпсан?, – деди.

– Қуръайшликларнинг ишларини дабдала қилган, акллиларни аклсиз ҳисоблаган, илоҳларга тил узатган, ота динини ташлаб, янги дин тутган Муҳаммадга кетаяпман, ўлдираман уни!, – деди Ҳазрати Умар.

– Эй, Умар, сени нафсинг алдабди. Муҳаммадни ўлдирсанг, Абдуманноф ўғиллари сени тирик кўяди деб ўйлайсанми. Сен яхшиси, оиланга қара, – деди Нуайм бин Абдуллоҳ.

– Оила деркан, кимни назарда

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

тутаяпсан?, – деди Ҳазрати Умар.

– Амакингнинг ўғли ва куёвинг Саид бин Зайд билан синглинг Фотимани айтаяпман, уларнинг иккиси ҳам мусулмон бўлишди, Мухаммадга эргашдилар, яхшиси, улардан хабар ол, – деди Нуайм бин Абдуллоҳ.

Ҳазрати Умар орқасига қайтиб, синглиси ва кудасининг уйига борди.

Ўша пайтда уларнинг уйида Ҳаббоб бин Арат “Фотиҳа” сурасини ўқиётган эди.

Ҳазрати Умарнинг келганини кўриб Ҳаббоб уйнинг бир бурчагига яширинди. Фотима хотун эса Қуръон саҳифасини олиб, кийимининг ичига яширди.

Аммо Ҳазрати Умар Ҳаббобнинг Фотима ва Саид бин Зайдга Қуръон ўқиганини эшитиб улгурганди. У уйга кириб:

– Мен эшитган нарса нима эди?, – деб сўради.

– Сен ҳеч нарса эшитмадинг, – дейишди синглиси ва куёви.

– Иккингиининг ҳам Мухаммаднинг динига кирганингни эшитдим, – деди ва куёви Саид бин Зайдга ташланди.

Фотима хотун эрини ҳимоя қилмоқчи бўлди, Ҳазрати Умар

бошлаб ўн олти оят ўқиди. Ва беихтиёр:

– Бу сўзлар нақадар гўзал, нақадар қийматли!, – деб юборди.

Буни эшитган Ҳаббоб яширинган жойидан чиқиб, Ҳазрат Умарнинг ёнига келди ва:

– Эй, Умар! Аллоҳнинг Пайғамбарининг дуоси сенга насиб этишига умид қилмоқдаман. Мен кеча Пайғамбар алайҳиссаломдан эшитдим, у “Эй Аллоҳ, исломни ёки Абу Ҳакам бин Ҳишом ёки Умар бин Ҳаттоб билан кучлантир”, дея дуо этган эди. Эй, Умар, энди Аллоҳдан кўрк!, – деди у.

– Эй Ҳаббоб, сен менга Мухаммаднинг турган жойини кўрсат, мен бориб мусулмон бўлайин!, – деди Ҳазрати Умар.

Ҳаббоб:

– У Сафо тепасининг ёнидаги бир уйда. Ёнида асхобидан кишилар ҳам бор, – деди Ҳаббоб.

Ҳазрати Умар қиличини белига тақди, чиқди.

Пайғамбаримиз ўтирган уйнинг эшигини тақиллатди.

Унинг қиличи билан келганини кўрган асхобдан бири “Ё Расулуллоҳ, Умар бин Ҳаттоб қиличини кушаниб келибди”, дея хабар берди.

– Унга киришга изн бер. Агар яхшилик билан келган бўлса,

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (28).

унинг бошини ёрди.

Шунда Фотима хотун ҳам, куёви ҳам:

– Ҳа биз мусулмон бўлдик! Аллоҳ ва расулига иймон этдик! Қўлингдан келганини қил!, – дейишди.

Ҳазрати Умар ўз синглисининг бошини уриб ёрганидан пушаймон бўлди. Синглисига:

– Хали мендан яширган саҳифани менга бер, ўқиб, Мухаммаднинг келтирган нарсасини билай, – деди у.

– Саҳифани бир бало қилишингдан кўрқамиз, – деди синглиси.

– Кўрқма, уни ўқиб, қайтиб бераман, – деди Ҳазрати Умар илоҳлар номига онт ичиб.

– Эй, биродарим, сен бутга топинар экансан, тоза бўлмайсан, Қуръонга пок бўлганлардан бошқа тегмаслиги керак, – деди синглиси.

Ҳазрат Умар ювинди, Фотима унга саҳифани берди. Берган саҳифасида “Таҳо” сураси ёзилганди.

Ҳазрати Умар сурани бошдан

биз ҳам яхшилик қиламиз. Агар ёмонлик билан келган бўлса, уни ўз қиличи билан ўлдирамиз, – деди Ҳазрати Ҳамза.

– Унга изн бер, – деди Пайғамбаримиз алайҳиссалом.

Эшикбон (Билол Ҳабаший) Ҳазрати Умарнинг киришига изн берди.

Пайғамбаримиз ўрнидан туриб, Ҳазрати Умарни ҳовлида қаршилади. Ва унинг белбоғидан тутиб ўзига тортиди:

– Эй Ҳаттобнинг ўғли, нега келдинг? Аллоҳнинг бошингга бир мусибат индиргунича турасан деб ўйламайман, – деди Расулуллоҳ алайҳиссалом.

– Эй Аллоҳнинг Расули, мен Аллоҳга, унинг Расулига, унга Аллоҳдан келган нарсаларга иймон этайин деб ёнингга келдим, – деди.

– Аллоҳу Акбар!, – деди Пайғамбаримиз алайҳиссалом.

Пайғамбаримизнинг асхоби ҳам Ҳазрати Умарнинг мусулмон бўлганини англади ва улар ҳам такбир келтирдилар.

Такбир саслари Макканинг

йўлларида эшитилди.

Ҳазрати Умар дейдики: “Мусулмон бўлиб калтак емаган ва калтакланмаган бирор киши йўқ эди. Фақат мен бу нарсаларни ҳеч кўрмагандим. Мусулмонлар мусибатга учраганда, мен учрамаслиқни истамайман”, дедим ўзимга ўзим.

Мусулмон бўлганим кечаси Расулуллоҳ алайҳиссаломга ким ашаддий душман бўлса, бориб унга мусулмон бўлганимни атай, деб ўйладим. Ва эрталаб Абу Жаҳлнинг эшигини қокдим.

Абу Жаҳл эшигини очиб:

– Хуш келдинг синглимнинг ўғли! Не хабар келтирдинг?, – деди.

– Аллоҳга, унинг Расули Мухаммадга иймон келтирганимни, унинг таблиғ этганларини тасдиқ этганим ҳақида хабар келтирдим, – дедим унга.

Абу Жаҳл эшигини юзимга қарсиллатиб ёпди ва:

– Аллоҳ сени ҳам, хабарингни ҳам яхшиликдан узоқ тутсин, деди.”

Ҳазрати Умар айна хабарни тоғаси Валид бин Муғирага ҳам етказди.

У ҳам эшигини қарсиллатиб ёпди.

Ҳазрати Умарнинг ўғли Абдуллоҳ бин Умар шундай ривоят қилади: “Отам мусулмон бўлганда, Қуръайшликлардан энг кўп гап ташиган одам ким, деб сўради.

Унга Жамил бин Маъмарул Жумоҳий дейишди. Отам Жумоҳийга бориб “Эй Жамил, мен мусулмон бўлдим”, деган захоти Жамил ўрнидан туриб, Масжидий ҳарамга қараб юрди.

Отам билан мен ҳам унинг орқасидан кетдик. Жамил Каъбанинг эшиги олдида тик туриб, бор овози билан:

– Эй Қуръайш жамоати, хабарингиз бўлсин, Умар бин Ҳаттоб динидан чиқди, бошқа динга кирди!, – дея бақирди.

Отам эса:

– У ёлғон сўйлаяпти, мен мусулмон бўлдим, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига, Мухаммаднинг Аллоҳнинг қули ва Расули эканига шаҳодат этдим, – деди ва унга Қуръайш мушриклари ҳужум этди.

Мушриклар билан отам ўртасидаги муштлашув куёш кўтарилгунча давом этди. Ниҳоят, отам чарчаб, ўтириб қолди. Мушриклар келиб уни ўраб олишди.

(Давоми келгуси сонда)

Ўзбекистонга тўртинчи бор тақрорий тарзда Президент этиб сайланган Ислон Каримовнинг шарофати билан 100 ёшдан ошган кексаларимизнинг йўли бўлиб қолди.

Ислон Абдуғаниевичнинг "ҳотамтойлиги"ни қарангки, ёши 100 дан ошган қарияларнинг нафақа пуллари мўл-кўл бўладиган бўлди.

Қанча?

Энг кам иш ҳақи миқдориди. Яъни, ҳар ой кексалар нафақасига 118 минг сўм, кўкида ҳисоблайдиган бўлсак – нақд 30 доллар қўшиладиган бўлди.

Ҳозирча нафақага қўшиладиган пул миқдорини кўйиб турайдиган-да, аввало, мамлакатимизда ёшлари 100 дан ошиш бахтига муяссар бўлган кексаларимизнинг ҳисоб-китоби олайлик:

Узи Ўзбекистонда ёши 100 дан ошган фуқаролар бормикин?

Матбуот хабарларига таянадиган бўлсак, "Озодлик" радиоси журналисти, иқтидорли ҳамкасбимиз Садриддин Ашур ўзларининг 2009 йил, 2 октябр кунги "Қари билганни, пари билмас..." сарлавҳали эиттиришларида.

"... Ўзбекистонда.... 100 ёшдан ошган қариялар эса 2300 кишига яқин. Бу рақамларни "Правда востока" ҳукумат газетаси келтиради" дея маълумот беради.

Қизиғи шундаки, орадан олти йил ўтиб мамлакатимизда 100 ёшлилар сони жадал суръатларда ўсиб кетганлигига гувоҳ бўламиз.

"Статистик маълумотларга кўра, ... 100 ёшдан ошганлар эса 8700 нафардан иборатлиги Ўзбекистонда узоқ умр кўрувчилар кам эмаслигини кўрсатади" дейилади "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш" газетаси интернет сайти шу йилнинг 13 феврал кунги № 6 – сониди эълон қилган "УЗОҚ УМР КҮРИШ СИРЛАРИ соғлом турмуш тарзига риоя қилиш билан боғлиқдир" мақолада.

Биз "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш" газетаси интернет сайтида чоп этилган "УЗОҚ УМР КҮРИШ СИРЛАРИ соғлом турмуш тарзига риоя қилиш билан боғлиқдир" мақоласи муаллифи Хулкар КУЗМЕТОВА келтирган фактларга ишонадиган бўлсак, олти йил илгари "Правда востока" ҳукумат газетаси иддао қилган 2300 кишига яқин 100 ёшлиқлар рақами оз фурсат ичида 8700 нафарга етганлигининг, яъни Ўзбекистонда 100 ёшдан ошганлар сони 6 йил ичида 6400 нафарга кўпайиб кетганлигининг гувоҳи бўламиз.

Бу қандайдир сирли-синоатли кўринмаептими сизга?

Шундай бўлиши ҳам мумкинми?

Ёки Ўзбекистонимиздаги барча соҳаларда бўлгани каби 100 ёшдан



Элни эриклаш ҳам эви билан-да...

ошган қариялар сониди ҳам қўшиб ёзишлар бўлдимикин?

Ё бўлмадимикин?

Бошқаларни билмадиму, шахсан мен "Ёши 100 дан ошганлар" ҳақида гап кетганида "Озодлик" радиоси журналисти Садриддин Ашур келтирган 2300 рақамларининг ҳақиқат эканлигига ишонгим келади.

Бироқ Ўзбекистон расмийлари "Иштони йиртиқнинг чўпдан ҳадиги бор" деганлари каби, "Озодлик"нинг ҳолислигига шубҳа кўзи билан қарайди, бу ўринда ҳатто "Правда востока" ҳукумат газетаси келтирган фактларни ҳам инкор қилишга тайёр.

Ва аминманки, ҳукуматимиз "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш" газетасида келтирилганидек, юртимизда ёши 100 дан ошганларни "8700 нафарга етган" дея дастаклайди ва дастакламоқда ҳам.

Қани бу ерда мантиқ?

Ҳар қандай рақамлар қиёсида ҳам одамларни ишонтира оладиган даражадаги мантиқ бўлиши керак эмасми?

Ҳа, тушундим, демак, 1908-1909 йилларда Ўзбекистон оналарининг кўзи кам ёригани ҳисобига 2009 йилга келиб 100 ёшдан ошган фуқаролар сони бор йўғи 2300 нафарни ташкил этган, холос. Бироқ Октябр инқилоби ижобий таъсир кўрсатганми, билмадиму, "Николайнинг ёғини ялаган" аёлларимиз 1914-15 йилларда 1908-1909 йиллардагига нисбатан 6400 нафардан ортиқ фарзандни дунёга келтирган. Қарабсизки, 2015 йилга келиб 100 ёшлилар сони 8700 дан ошиб турибди-да!

Янаям муҳими, Чор истеълоси, Қизиллар инқилоби, қатағон

йиллари, Иккинчи жаҳон уруши оловлари, урушдан кейинги очарчилик паллаларида тобланиб, ўлмасдан, омон ўта билган бу кексаларимиз ниҳоятда чиниққан, тобланган бандалар бўлган.

Нима ҳам дердик, 1914-1915 йилларга келиб Ўзбекистонлик аёллар ўртасида туғиш сурати ўсиб кетган бўлса, бугунги ҳукуматда не гуноҳ? Шу боис ҳам бу масалани четроққа суриб тураемиз....

"100 ёшлиқларнинг нафақаси ошди-ошди" борасида менинг эътиборимни тортган нарса шу бўлдики, Хулкар КУЗМЕТОВА мазкур мақоласи аввалида "... Статистик маълумотларга кўра, 80 ёшдан ошган қариялар 225 минг, 90 ёшдан ошган кишилар 44 минг, 100 ёшдан ошганлар эса 8700 нафардан иборатлиги Ўзбекистонда узоқ умр кўрувчилар кам эмаслигини кўрсатади" дея урғулаб ўтади.

Қаранг-а, мамлакатимизда 80 ёшдан ошган қариялар 225 минг, 90 ёшдан ошганлар атиги 44 минг нафарни ташкил этармишу, 100 ёшни ортада қолдирганлар "8700 нафардан иборат" эмиш....

Демак, айтиб дамда мамлакатимизда 80-100 ёшли фуқароларимиз сони жами 277.700 нафарни ташкил этар экан, холос.

Бошқачароқ қилиб айтадиган бўлсак, юртимизда "нафақаси ошишидан – 118 минг сўмдан қуруқ қолган 80-90 ёшли қариялар сони 269 000 рақамларини кўрсатмоқда.

Биз бўлса нима қилмоқдамиз?

Бор йўғи 8700 нафар 100 ёшлиқ қария(агар шу рақамлар ҳақиқатга яқин бўлса!)нинг нафақа пулига 30 доллар қўшмоқдамиз, холос – ҳар ойда барча 100 ёшлиларга

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

жами бўлиб атиги 261 000 доллар харжлашни кўзламоқдамиз.

Шаҳсан мен 100 ёшдан ўтганларнинг нафақа пулларини ошириш тўғрисидаги Каримовнинг ушбу "хотамтойлиги" – бу – элни эриклаш, элни эрмак қилишдан бошқа нарса эмас деган бўлардим!

Очиқдан-очиқ таҳқир-ку бу. Бунингдек таҳқирнинг талхдан-далх таъмини ким сезмаётир?

Бетамизлик, бемазагарчилик ҳам бундан ортиқ бўлиши мумкинми?

Бу – очикдан-очиқ аҳолининг устидан кулиш эмасми?

Ҳорижий юртларни билмадим, Ўзбекистонда 100 ёшли қарияни учратиш – анқонинг уругидек эканлиги ҳеч кимга сир эмас-ку!

Кимсан Ўзбекистон ҳукумати 100 ёшга кирганларнинг нафақасини ошириш ҳақидаги фармони ила элни эрмак қилгандан кўра, лоақал 80 – 100 ёшдан ошган кексаларнинг нафақа пулларини кўтайтириш хусусида қарор қабул қилса, асақаси кетармиди?!

Мамлакатимизда 80-100 ёшлар атрофидаги қарияларимиз бор-йўғи 277 700 нафарни ташкил этаркан-у, миллионларни эмас.

Келинг, яхшиси, ҳамма тушунадиган молия "тили"да ҳисоб-китоб қилиб кўра қолайлик: дейлик, ҳукумат ҳар ойда 100 ёшдан ошган 8700 нафар кексаларимизга 30 доллардан улашган тақдирда, давлат хазинаси ҳар ойда атиги 261 000 доллар зарар кўриши мумкин бўларкан.

Йўқ, мабодо олийҳиммат давлатимиз 80-100 ёшли 277 700 нафар кексаларимизга ҳар ойда 30 доллардан "саховат" кўрсатадиган бўлса, у ҳолда ҳар бир ойда 8 331 000 доллар сарфлашига тўғри келаркан.

Биринчи ҳолатда ҳар ойда 261

000 доллар, иккинчи ҳолатда ойда 8 331 000 доллар бой бериларкан... Бу рақамлар ўртасидаги тафоввут шунчалар каттами?...

Ҳукумат қашшоқликда кун кўраётган 80-100 ёшли 277 700 нафар қарияларига ойда 8 331 000 доллар тортиқ қилса, тинкаси қуриб, йиқилиб қоладими?

Ҳукумат ё юқоридаги каби чин маънода "хотамтойлик" қилиши керак эди, тантилик қўлдан келмас экан, барчасини бира-йўла йиғштириб қўйиши зарур эди, назаримда. Сохта "саховатпешалик" кимга керак?

"Яхши, шундай бўлди ҳам дейлик, у ҳолда 277 700 нафар қарияларига ойда 8 331 000 доллардан сармомияни сиз тухум қўйиб берармидингиз?" дейсизми?

Нега энди мен?

Кунни кечагина ҳориж матбуотида ўқиб қолдим.

Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг катта қизи Гулнора Каримованинг биргина телекоммуникация соҳасининг ўзидан ўмарган пораси бир миллиард долларни ташкил этмоқда.

"... Каримова қўл ургани иддао қилинаётган тамағирлик ва порахўрлик жараёнларида айланган пуллар ҳатто 1 миллиард АҚШ долларидан анча кўпроқ бўлиши эҳтимолга яқиндир..." дейилади "Озодлик" радиосида эълон этилган "Ўзбекистон: Гулнора Каримова миллиард долларни қандай ўмарди?" сарлавҳали эшиттиришида.

"... Бир пайтлар отасининг вориси сифатида кўрилган Каримова бугун унинг қаҳрига учраб, уй қамоғига олинган. Ўзбекистон прокурорлари у тузган уюшган жиноий гуруҳ ҳужжатларни қалбакилаштириш, шантаж ва тамағирлик орқали давлатдан 53 миллион АҚШ

долларига тенг маблағни ўмарганликда айбламоқда. Бу жиноятлар, ўзбек терговчиларга кўра, унинг Ўзбекистон ҳаво йўллари, Coca Cola ва бошқа ширкатларни ўз назоратига олгани билан боғлиқ бўлган. Унга қарши жиноят иши очилганидан бери бизнеслари ёпилиб, унинг бир неча ҳамқори ҳибсга олинди ва қисқа муддатларга қамоққа ҳукм этилди..."

"... Бугун уй қамоғида экани иддао қилинаётган Гулнора Каримова авиасаноат, транспорт, цемент, экспорт-импорт, мода, фармацевтика ва соҳаларга аралашган."

Айни дамда Гулнора Каримова ўмарган ҳисобсиз долларлар ҳорижий давлатларда музлатиб қўйилган.

"Қовун-қовундан кўриб ранг олар" деганларидек, Лола Каримова ҳам кейинги пайтларда "Отдан қолма эшагим" қабилида иш тутмоқда – гуё опаси билан харомдан бойиш борасида пойга қўймоқда. Уз отасига Франция судидан "Диктатор" деган "ёрлик"ни "сотиб олиб берган" Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Абдуғаниевичнинг кенжа қиз Лола Каримованинг турмуш ўртоғи Темур Тиллаев томонидан тўрт юз миллион евро афшорга жўнатилаётган бир пайтда Швецарияда ушлаб қолинганлиги ҳақида хабарлар тарқатилганига кўп бўлган эмас.

Гулноранинг миллиард доллалари-ю, синглиси Лола Каримованинг умр йўлдоши Темур Тиллаевнинг миллионлаб евролари ила Ўзбекистонимиздаги 80-100 ёшли 277 700 нафар қарияларни ҳар ойда 30 доллардан қанча муддат таъминлаб туриш мумкин эди?

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА
мустақил журналист

АҚШ Ўзбекистонни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга чорлади

2005 йил 13 май куни Андижонда юз берган фожеали воқеаларнинг 10 йиллиги муносабати билан, АҚШ ўша воқеалар натижасида жабр кўрган ёки ҳалок бўлганларнинг барча яқинлари ва қариндошларига ҳамдардлик билдирди.

Андижон воқеаларининг ўн йиллиги муносаби билан АҚШ Ўзбекистонни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбуриятига амал қилишга чақирди.

2005 йил 13 майга ўтар кечаси Андижонда бир гуруҳ қуролланган шахслар томонидан инсоний қурбонларга сабаб бўлган қатор теракт ва ҳужумлар уюштирилган.



Ўзбекистон маълумотларига кўра, воқеалар давомида 187 киши ҳалок бўлган. Ўзбекистон махсус кучлари томонидан ўтказилган террорчиликка қарши амалиёт натижасида, 94 та террорист йўқ қилинган ва катта микдорда қурол

кўлга олинган.

"Ўзбекистон билан умумий мақсадларимиз жуда кўп ва биз ҳар доимгидек маъсулиятни, келишувни, демократик ислохотлар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоясини тарғиб қилишга ҳаракат қиламиз. Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистонни тўла равишда инсон ҳуқуқлари борасидаги ўз миллий ва халқаро мажбуриятларини амалга оширишга чақиритишда давом этади", дея таъкидланган чоршанба куни Тошкентдаги америка элчихонасида тарқатилган матбуот хабарномасида.

ЎХХ ахборот бўлими



Оммага қараб маст ўзбек аскарлари ўқ очишган эди

Гувоҳларнинг сўзларига кўра, 2005 йил 13 май куни Андижондаги 15 минг кишилик омма ўзбек зирхли транспортлар карвони томонидан ўққа тутилган.

Одамлар қочишди, лекин бирма бир ерга йиқила бошлашди: одамлар қанчалик тез югуришга интилишмасин, юқори тезликдаги снарядлар уларга етиб олаётган эди. Гувоҳларнинг айтишича кейин махсус кучлар яраланганларни қатл қилишган.

Муқаддас исмли ўрта ёшдаги аёлнинг айтишича, ўқ очилгандан бир неча соат ўтиб ҳам, формадаги одамлар ҳар қандай кичик ҳаракатни кўришса ҳам отишни давом эттиришган.

“Мен ҳужум бошланишидан олдин харбий хизматчиларга бир юк автомобилида ароқ олиб келишганини кўрдим. Улар ичиб, кейин аҳолини ўққа тута бошлашган”,- деб ҳисоблашини билдирган аёл.

Ўша куни Андижонда бўлган, Тошкентлик тадбиркор Набижон Юнусов белидан жароҳат олган. Жума куни эрталаб Юнусов махаллий маъмурият биносининг олдида баъзи андижонлик тадбиркорларнинг ишлари билан боғлиқ адолатсизлик ҳақидаги нутқларни тинглаётган одамларни кўрган.

Кутилмаганда, қуролланган зирхли транспортлар пайдо бўлди ва отишма бошланди. “Намойишчилар олдида кўплаб ёш болалар ва ўсмирлар бор

эди, биринчи зарбага улар дуч келишди”, — дейди Юнусов.

“Мен қочдим, махсус кучлар ўқ очишди. Мен ерга кекса кишининг йиқилганини кўрдим, унинг юзи қонга буланган эди. Умримнинг охиригача бу ҳолатни эсдан чиқармайман”.

Юнусов ва бошқа омон қолганлар кейинчалик қирғизистон чегарасига қараб юришган, у ерда ўзбек қуролли кучларининг тузоғига тушишган. “Мен болалар ва аёлларни ҳимоя қилишга урундим ва шу вазиятда белимдан ўқ едим”, дейди у.

Қирғизистонлик, ўзбек миллатига мансуб Мухамат Мавлонов кўлидан жароҳатланган. “тахминан соат 16 да ҳамма ёқда отишма бошланди. Биринчи бўлиб намойишчилар олдида турган ёш болалар, кейин эса аёллар ҳалок бўлди”, — дея эслайди у.

“Тўрт эркак бирданига ўқ остида қолди. Мен кўлимдан жароҳатландим ва йиқилдим. Ўққа тутилган аёлнинг йиқилишини, жароҳатланган эркакнинг бақирини кўрдим. Мен бу қирғинни ҳеч қачон эсдан чиқара олмайман”.

“Одамлар оқ байроқ силкитиб, қуролсиз эканликлари ҳақида бақиривар эди, лекин уларни ўққа тутишда давом этишди. Бир жароҳатланган аёл менинг устимга йиқилди.

Мен ҳозир унинг қаердалигини, ҳаётми ёки йўқ билмайман”.

ЎХХ ахборот бўлими

Йўқсилга боғлардан, бойдан не фойда?

90-йиллар шеърляти

Не фойда?

Ноқаснинг бозида минг турли мева,
Йўқсилга боғлардан, бойдан не фойда?
Бозор пештахтасин қопласа ҳолва,
Бармоққа тегмаган болдан не фойда?

Юртнинг ҳар гўшаси рост бўлса тўйга,
Кўралар тўлсалар кўзи ва кўйга,
Золимлар боссалар, бағрини ойга,
Устингда порлаган нурдан не фойда?

Фуқаро жаннатдек боғларда кезса,
Тузум ҳар кун гаштак, базмлар тузса,
Эркисизлик орифлар кўнглини бузса,
Кўзни қувонтирган тўйдан не фойда.

Кафтдек ровон бўлса, қонуннинг юзи,
Ўзрига тил берса, хилватда қози,
Сас бермас, миллатнинг қалбининг сози,
Қозғозда битилган суддан не фойда?

Ҳар томонга кетса, узанган йўллар,
Панжарадек сиқса, руҳингни йиллар,
Елкадан кесилган бўлса, гар қўллар,
Ададсиз денгиздан, кўлдан не фойда?

Сафо, унишотлар, кўприклар бари,
Толеси паст халқнинг пешона шўри,
Дўст тутинган бўлса, итинга бўри,
Сон-саноқсиз молдан, кўйдан не фойда?

Сафо Турон

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий наشري
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt
Мухаррир: Замир Малик